Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Ishonch

2020 йил 1 январь • чоршанба • № 1-2-3 (4288)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Мана шу қувончли лаҳзаларда сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни Янги йил байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман! Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт тилайман!

Ўтиб бораётган йил мамлакатимиз учун унутилмас воқеаларга бой бўлди. Турли қийинчилик ва синовларни ҳам бошимиздан кечирдик.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да улкан ютуқларга эришдик. Мамлакатимиз салоҳияти ва рақобатбардошлигини ошириш йўлида янги қадамлар қўйилди.

Иқтисодиётимизнинг етакчи соҳа ва тармоқлари жадал ривожланмоқда. Юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналар, янги транспорт тизимлари ишга туширилмоқда.

Миришкор деҳқон ва фермерларимиз, мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, мўл ҳосил етиштирдилар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилди.

Йил давомида ҳудудларда аҳоли, айниқса, ёшларимиз, хотин-қизлар учун кўплаб янги иш ўринлари яратилди.

Давлат дастурлари асосида шаҳар ва қишлоқларимиз, юртимиз қиёфаси бутунлай ўзгармоқда.

2019 йилда минг-минглаб юртдошларимиз, жумладан, кам таъминланган оилалар шинам уй-жойларга эга бўлдилар.

Илм-фан, таълим ва тарбия соҳасида туб бурилиш даври бошланди.

Янги-янги боғча ва мактаблар, олий ўқув юртлари, етакчи хорижий университетларнинг филиаллари, шифохоналар, маданият ва спорт масканлари бунёд этилмоқда.

Энг муҳими, одамларимизнинг ҳаёт даражаси, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи тобора кучаймоқда.

Жамиятимизда демократия тамойиллари, очиқлик ва эркинлик муҳити чуқур қарор топмоқда.

Куни кеча Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар буни яққол тасдиқлади. Сайловлар Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлидан ортга қайтмаслигини яна бир бор исботлади.

Мустақиллигимиз, осойишта ҳаётимиз кафолати бўлган Қуролли Кучларимизнинг жангговар салоҳияти мустаҳкамланмоқда.

Тинчликсевар ва амалий ташқи сиёсат олиб бораётган давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ортиб бормоқда.

Мухтасар айтганда, 2019 йил янги Ўзбекистон тарихида ҳар томонлама ёрқин из қолдирмоқда.

Ҳурматли юртдошлар!

Биз миллий юксалишнинг муҳим босқичига қадам қўймоқдамиз.

2020 йилда ҳам иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг кўламли ислоҳотларимизни фаол давом эттирамиз.

Хусусий мулк, тадбиркорлик ва бизнес учун янада қулай муҳит яратишга, янги иш ўринлари ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратамиз. Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни, аҳоли реал даромадларини кўпайтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Одамларимизнинг яшаш шароитини, коммунал-маиший хизмат сифатини яхшилаш, арзон ва қулай уй-жойлар қуриш бўйича бошлаган ишларимизни янада кенгайтирамиз.

Фарзандларимизга муносиб таълим ва тарбия беришга, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришга барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган ишларимиз янги босқичга кўтарилади.

Нуроний фахрийларимиз, мунис опа-сингилларимизга эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтирамиз.

Ижтимоий ҳимоя ва кўмакка муҳтож юртдошларимизни доимий қўллаб-қувватлашга биринчи даражали аҳамият берамиз.

Тинчлик ва барқарорликни, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва аҳиллликни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Бу борада дунё ҳамжамияти, аввало, ён қўшниларимиз билан самарали ҳамкорликни ҳар томонлама кучайтирамиз.

Азиз юртдошларим, қадрдонларим!

2020 йил ҳар бир оила, ҳар қайси хонадонга қут-барака, бахт ва омад олиб келсин!

Барча эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқсин!

Жонажон Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнасин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 декабрь куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари кириб келаётган Янги йил билан бир-бирларини самимий қутладилар.

2019 йил мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим бўлгани мамнуният билан таъкидланди. Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида киришининг тарихий аҳамияти қайд этилди.

Турли даражадаги алоқалар сезиларли фаоллашди, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда, истиқболли қўшма лойиҳалар амалга оширилиб, илмий-техник ва маданий-гуманитар алмашинувлар кенгаймоқда.

Мулоқотда Президентлар бўлажак олий даражадаги учрашувлар сиёсат, иқтисодиёт, транспорт коммуникациялари, туризм, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа йўналишлардаги ўзаро манфаатли шерикликни янада мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг охирги иш кунида парламент палаталари раҳбарлари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари билан учрашиб, йил якунларини сарҳисоб қилди, 2020 йилги муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Рақамлар эмас, натижа муҳим

Мамлакатимизда барча соҳаларда дадил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиёт тармоқларини замон талаблари асосида модернизация қилиш, ҳудудлар имкониятларини тўла юзага чиқариб, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Ташаббус ва таклифлар қўллаб-қувватланиб, молиявий, ташкилий жиҳатлари ҳал қилиб берилмоқда.

Бундай кенг кўламли ишлар натижаси ҳар бир жабҳада сезиляпти. Илгари иложсиздек туюлган масалаларга ечим топилмоқда. Энг муҳими, халқнинг турмуш шароити яхшиланмоқда, оддий одамлар давлатдан, ҳаётдан рози бўляпти.

Юртимиздаги ўзгаришларни жаҳон ҳамжамияти ҳам тан олмоқда. Хусусан, дунёдаги энг нуфузли нашрлардан бири бўлган Буюк Британиянинг «The Economist» журнали Ўзбекистонни 2019 йилда энг жадал ислоҳотларни амалга оширган давлат – «Йил мамлакати» деб эътироф этди.

Шунингдек, Жаҳон банкининг 2019 йилги «Бизнес юритиш» рейтингида ҳам Ўзбекистон энг илғор ислоҳотчи мамлакатлар қаторидан ўрин олди.

Бундай муваффақиятлар 2020 йилда ҳам давомли бўлиши, янада яхшиланиши учун тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорларни бажариб, энг юқори натижаларни таъминлаш лозим.

Давлатимиз раҳбари бугун эришилган натижалар ҳали марра эмаслигини, олдимизда аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ошириш, имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш учун 2020 йил синов йили бўлишини таъкидлади.

Йиғилишда 2019 йилда йўл қўйилган хатолардан тўғри хулоса чиқариб, 2020 йилга белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш, масъул ижрочилар ва муддатларни белгилаб олиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, бевосита жойларга бориб, уларнинг ижросини ташкил қилиш ва доимий назоратни таъминлаш кераклиги қайд этилди.

Вазирлар Маҳкамаси ижро ҳокимияти фаолиятини самарали ташкил этиб, ҳар бир вазирлик, давлат қўмитаси ва бошқа идораларнинг 2020 йил ҳар чораги учун фаолият самарадорлиги кўрсаткичларини ишлаб чиқиши ва ижросини қатъий назоратга олиши зарурлиги таъкидланди.

Келаси йилда давлат корхоналарини самарали бошқариш ва иқтисодиётда давлат улушини камайтириш бўйича жиддий ўзгаришлар қилиш зарурлиги таъкидланди.

Инвестиция дастуридаги инфратузилма объектларини қуриш ва ишга туширишни бўйича янги тизим жорий этиш, транспорт, айниқса, темир йўл ва авиация соҳасида бошланган ислоҳотларни жадаллаштириш вазифаси қўйилди.

Қурилиш-пудрат ва лойиҳа бозорини тартибга солиш, бу бозорда эркин рақобат муҳитини ва замонавий шаҳарсозлик меъёрларини жорий этиш, қурилишни арзонлаштириш бўйича топшириқлар берилди. Шу билан бирга, ичимлик суви, иссиқлик таъминоти соҳасидаги долзарб вазифаларни амалга ошириш зарурлиги қайд этилди.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляцияни пасайтириш, нарх-навони шакллантиришни тўлиқ бозор муносабатларига ўтказиш, эркин рақобат муҳитини яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, истеъмол товарлари, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва харажатларни камайтириш орқали нарх-навонинг кескин ошишига йўл қўймаслик лозим.

Банк соҳасидаги ислоҳотларни давом эттириш, қулай ва сифатли банк хизматларини кенгайтириш ҳам муҳимлиги таъкидланди.

Халқимизнинг тадбиркорлик ташаббусларини ошириш, боқимандалик кайфиятидан халос этиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Мамлакатимизда қулай бизнес муҳитини яратиш, жумладан, солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш, ахборот технологияларини кенг қўллаш ва инсон омилини максимал қисқартириш зарурлиги таъкидланди.

Ташқи савдо ва инвестиция борасидаги ишларни самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, тўғридан-тўғри инвестициялар ва хорижий кредитларни самарали ишлатиш, уларни аниқ натижа берадиган лойиҳаларга йўналтириш, инвесторлар билан манзилли ишлашни янги босқичга олиб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, хорижий ташрифлар чоғида эришилган келишувлар ва лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан тизимли ишларни ташкил этиб, аниқ натижаларни таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш, экспортнинг таркиби ва географиясини диверсификация қилиш, янги бозорларга чиқиш учун ташқи савдони тубдан такомиллаштириш талаб этилади. Божхона, стандартлаштириш, карантин каби соҳаларни ислоҳ қилиб, уларни тадбиркорга кўмакчига айлантиришни тақозо этади.

Йиғилишда таълим, соғлиқни сақлаш, туризм ва бошқа ижтимоий соҳалардаги ислоҳотларни изчил давом эттириш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Келаси йилда туристлар оқимини 7,5 миллионга етказиш ва хизматлар экспортини 1,5 миллиард доллардан ошириш бу соҳадаги энг устувор вазифалиги кўрсатиб ўтилди.

Ёшларни, айниқса, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашга эътиборни кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Президентимиз таъкидлаганидек, оила олдидаги масъулиятни англаш, психологик тайёргарлик ва оиладаги муносабатларни тўғри ўрнатиш, оилада соғлом муҳитни ярата олиш зарур.

Агросаноат мажмуига кирувчи тармоқ ва соҳа раҳбарлари учун Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ижросини таъминлаш келаси йил учун энг устувор вазифа бўлиб қолади. Бунда пахта, ғалла, шоли кластерларига зарур шароитлар яратиш, янги тизимда юзага келадиган муаммоларни мунтазам таҳлил қилиб, уларни бартараф қилиш лозимлиги қайд этилди.

Шунингдек, йиғилишда нефть-газ, кимё тармоқлари, энергетикани ривожлантириш, ушбу соҳаларга хусусий сектор ва инвестицияларни фаол жалб қилиш, хомашё қазиб олишни кўпайтириш бўйича зарур топшириқлар берилди.

Йиғилишда белгиланган топшириқларни тўлиқ ва сифатли амалга ошириш учун барча раҳбарлар ўз тизимида қуйига тушиб, ходимлар ва ресурсларни максимал даражада сафарбар қилиши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз томонидан қўтарилган масалалар юзасидан Олий Мажлис Сенати Раиси ва Қонунчилик палатаси Спикери, Бош вазир ва ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари сўзга чиқиб, берилган топшириқларни сифатли бажариш бўйича соҳаларда тизимли ишларни йўлга қўйишларини таъкидладилар.

ЎзА

Байрам шукуҳи

«ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» — БОЛАЖОНЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШДИ

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида болажонлар учун байрам тадбири уюштирилди.

Унда Меҳрибонлик, оилавий болалар уйлари, Мурувват уйларининг тарбияланувчилари, «SOS – болалар маҳаласи», ота-она меҳридан бебаҳра қолган ўғил-қизлар, Ички ишлар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия каби идораларнинг мамлакатимиз тинчлиги, юрт тараққиёти ҳамда осойишталиги йўлида ҳалок бўлган ходимлари фарзандлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари номидан тақдим этилган ўқув анжомлари, ўйинчоқ ҳамда ширинликлардан иборат бўлган жами 11 минг дона совға кичкинтойлар учун тайёрланди.

«Туркистон» саройи фойесига зеб бериб турган байрам арчаси, ҳар хил ўйинчоқлар, Қорбобо ва Қорқиз барчага кўтаринки кайфият улашди.

Тадбир ниҳоясида болажонлар «Президент арчаси» қўшиғини биргаликда куйладилар. Бу шодиёнадан уларнинг кўнгли янада завққа тўлиб, бир умрга муҳрланди.

Бу каби байрам шодиёналари юртимизнинг барча ҳудудларида давом этмоқда.

Давронбек ОРИПОВ,
«ISHONCH»

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги – 2020 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар, ҳукуматлар ва парламентлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарларидан Президентимизга сиҳат-саломатлик, янги муваффақиятлар ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва равнақ изҳор этилган самимий қутловлар келмоқда. Қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин;**
Хитой Халқ Республикаси Раиси **Си Цзиньпин;**
Америка Қўшма Штатлари Президенти **Дональд Трамп;**
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби **Антониу Гутерриш;**
Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – **Элбоши Нурсултон Назарбоев;**
Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев;**
Қирғизистон Республикаси Президенти **Сооронбай Жээнбеков;**
Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон;**
Туркманистон Президенти **Гурбангули Бердимуҳамедов;**
Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко;**
Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев;**
Япония Бош вазири **Синдзо Абэ;**
Корея Республикаси Президенти **Мун Чжэ Ин;**
Афғонистон Ислом Республикаси Президенти **Ашраф Ғани;**
Эрон Ислом Республикаси Президенти **Ҳасан Руҳоний;**
Польша Республикаси Президенти **Анжей Дуда;**
Венгрия Президенти **Янош Адер;**
Словения Республикаси Президенти **Борут Пахор;**
Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси;**
Иордания Қироли **Абдулла II;**
Дания Қироличаси **Маргрет II;**
Хитой Халқ Республикаси Раисининг ўринбосари **Ван Цишань;**
Россия Федерацияси Ҳукумати раиси **Дмитрий Медведев;**
Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири **Ли Кэцян;**
Венгрия Бош вазири **Виктор Орбан;**
Канада Генерал-губернатори **Жюли Пейетт;**
Янги Зеландия Генерал-губернатори **Пэтси Редди;**
Афғонистон Ислом Республикаси Ҳукумати Ижрочи раиси **Абдулла Абдулла;**
Янги Зеландия Бош вазири **Жасинда Ардерн;**
Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси **Валентина Матвиенко;**
Бутун хитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раиси **Ли Чжаньшу;**
Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **Сайф бин Зоид Ол Наҳаён;**
Халқаро олимпия қўмитаси президенти **Томас Бах;**
Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби **Сергей Лебедев;**
Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти (НАТО) Бош котиби **Йенс Столтенберг;**
Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши Бош котиби **Бағдат Амреев.**

Қутловлар келиши давом этмоқда.



2019 йил: тарих зарварақларидаги

Демократик тамойиллар – устувор

ҲУКУМАТ ИШИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва давлат қўмиталари раислари номзодини Бош вазир тақдимига биноан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан маъқуллаш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқлаш тартиби жорий қилинди.

ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК РУҲИДА

Якунланган йилда Давлат бюджети илк бор кенг муҳокама этилиб, очиқлик ва ошкоралик руҳида қабул қилинди.

ЯГОНА САЙЛОВ КОДЕКСИ

Ўзбекистон тарихида илк бор ягона Сайлов кодекси қабул қилинди.

ОЛИЙ МАЖЛИС ТУЗИЛМАЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Давлат бюджети бошқармаси ташкил этилди. Олий Мажлис палаталарида суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмиталари тузилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида янги тузилма – Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўмита тузилди.

ХАЛҚ ИРОДАСИ НАМОЙИШИ

22 декабр куни мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлари сайлови бўлиб ўтди.

ИНВЕСТИЦИЯ ЖОЗИБАСИ

Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги ташкил этилди. Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги фаолият бошлади.

ИШОНЧ РУҲИДАГИ ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР

65 давлат фуқаролари учун визасиз режим жорий этилди. 2020 йил 1 январдан улар сони 86 тага етади. 77 мамлакат фуқаролари учун электрон виза олиш имконияти яратилди.

Бунёдкорлик шижоати

НОЁБ ИНШООТ

Тошкентда «Humo Arena» муз саройи очилди. Мазкур иншоот ўзининг илғор меъморий ва муҳандислик-қурилиш ечимлари, техник жиҳозланиш даражасига кўра ноёбдир.

ЮКСАК БИЛИМЛИ АВЛОД

Мамлакатимизда Президент мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Ижод мактаблари иш бошлади. Пойтахтимизда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактаб фойдаланишга топширилди.

ОЛТИН УЗУКНИНГ ЁҚУТ КЎЗИ

Тошкент шаҳрида «Toshkent City» халқаро ишбилармонлик марказининг илк объектлари – Конгресс холл ва «Hilton» меҳмонхонаси қуриб битказилди. Улар ўзининг меъморий қиёфасида шаҳарсозлик санъатининг энг сўнгги ютуқларини, архитектура, муҳандислик ва дизайнерлик борасидаги ноёб ва улкан салоҳиятни яққол мужассам этгани билан фусункор пойтахтимизга узукка кўз қўйгандек ярашди.

ТОШКЕНТ ЧИННИСИ ҚАЙТДИ

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Тошкент чинни заводи қайта тикланди.

ТАКОМИЛЛАШАЁТГАН ИНФРАТУЗИЛМА

Ноёб инфратузилма намунаси бўлган Тошкент ерости метросининг айрим бекатларида қурилиш якунига етди.

ҲАДИС ИЛМИ БИЛИМДОНЛАРИ

Самарқанддаги Ҳадис илми мактабида илк ўқув йили бошланди ва 100 га яқин талабгор орасидан саралланган 12 нафар ёшлар таҳсилга киришди.

ОБОДЛИК НАФАСИ

«Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурлари доирасида Жиззах вилояти бўйича 26 минг ҳовли-жой, 405 та кўп қаватли уй 139 та ижтимоий соҳа иншоотлари қайта қурилди ва реконструция қилинди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Фарғона шаҳрида Марказий Осиёда ягона ҳисобланган «Листем-Фергана» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси иш бошлади.

ЗИЁРАТ УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Бухоро вилоятидаги «Етти пир» зиёратгоҳларига туташ ҳудудларда қурилиши бошланган 7 та меҳмонхонадан 5 таси фойдаланишга топширилди.

НУРАФШОН ҲАЁТ УЧУН

Наманган вилояти Учқўрғон туманида Катта Фарғона канали кичик ГЭСлар каскади қуриб, ишга туширилди. Умумий қуввати 12 МВт. га тенг мазкур гидроиншоот йилига 72,89 миллион кВт.соат электр токи ишлаб чиқариб, 48 минг хонадонни узлуксиз экологик тоза ва қайта тикланувчи электр энергияси билан таъминлаш имконини берди.

ЛОЙИҲАДАН АМАЛИЁТГА

«Навоийазот» акциядорлик жамиятида йирик саноат корхонаси бўлган поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси ишга тушди.

Ҳаётбахш ўзгаришлар

КЕЛАЖАККА ҚАРАТИЛГАН НИГОҲ

Барча мактаблар 11 йиллик таълим тизимига тўлиқ ўтди. Ўқитувчилар ҳисоботи 7 дан 3 тага қисқартирилди. Ўқитувчилар иш ҳақи 1,5 баробар оширилди.

ЭЪТИБОР ОРТДИ

2019 йил 1 апрелдан тиббиёт ходимларининг иш ҳақи 1,15 баробарга оширилди.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ёшларнинг олий таълимга қамровини ошириш мақсадида 19 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, 10 та маҳаллий (унинг 5 таси давлат-хусусий шерикчилик асосида) ва 9 та хорижий университет филиаллари иш бошлади. Янги 40 та бакалавриат таълим йўналиши ҳамда 41 та магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

МЕҲР АМАЛИЁТЛАРИ

«Меҳр-1» ва «Меҳр-2» инсонпарварлик тадбирлари доирасида 261 нафар ватандошимиз Яқин Шарқдаги қуролли можаролар ҳудудидан юртимизга махсус авиарейсларда олиб келинди.

«ЖАСЛИҚ»НИНГ УМРИ БИТДИ

Президент қарори билан Қорақалпоғистон Республикасидаги «Жаслиқ» дея номланган 19-сонли ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колонияси ёпилди.

ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

Озодликдан маҳрум этилган шахсларга пенсия ва ижтимоий суғурта тўлаш тартиби биринчи марта амалиётга киритилди.

СОЛИҚ СИЁСАТИДАГИ ЕНГИЛЛИКЛАР

2019 йил 1 январдан янги солиқ концепцияси амалиётга жорий этилди. Дивиденд ва фоиз сифатидаги даромадлардан солиқлар 10 фоиздан 5 фоизга; Ягона ижтимоий тўлов 15 фоиздан 12 фоизга; Ишчи-ходимларнинг солиқ юки 23 фоиздан 12 фоизга камайтирилди. Давлат мақсадли жамғармаларига тўланадиган 3,2 фоизлик оборот солиғи ва 8 фоизлик мажбурий ажратмалар бекор қилинди.

ОРЗУЛАР УШАЛГАН ЙИЛ

5 минг 868 нафар юртдошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди.

Юксак маънавият – қадриятлар гултожи

5 ТА МУҲИМ ТАШАББУС

Давлатимиз раҳбари ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурди.

БЕТАКРОР САНЪАТ

Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» — ўн иккинчи халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтди.

ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

Малайзия туризм, санъат ва маданият вазири ўринбосари Муҳаммад Бахтиёр бин Ван Чик Ўзбекистон элчиси Равшан Усмоновга Ўзбекистон «Осиёнинг энг бой тарихий меросга эга мамлакати» деб тан олинганлиги тўғрисидаги дипломни топширди.

БАХШИСИ БОР ЭЛНИНГ...

Термиз шаҳрида **Халқаро бахшичилик санъати фестивали** бўлиб ўтди.

«ЎТКАН КУНЛАР» ИНГЛИЗ ТИЛИДА

Абдулла Қодирийнинг **«Ўткан кунлар»** романи инглиз тилида АҚШда нашр этилди.

БУЮК МЕРОСГА САДОҚАТ РАМЗИ

Буюк муҳаддис Имом Бухорий номи билан аталувчи халқаро илмий-тадқиқот маркази бунёд этилди. Ўзбекистон ислом цивилизацияси марказига асос солинди.

ЎЗЛИК ИЛДИЗЛАРИ

Қўқон шаҳрида Халқаро ҳунармандчилик фестивали ўтказилди.



ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ

21 октябрь санаси мамлакатимизда **«Ўзбек тили байрами куни»** деб белгиланди.

АТАМАЛАР КОМИССИЯСИ

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тилини ривожлантириш департаменти иш бошлади.

Сўз ҳамда атамаларни расмий истеъмолга киритиш борасидаги ишларни тартибга соладиган **Атамалар комиссияси** тузилди.

«ЛАЗГИ» СЕҲРИ

ЮНЕСКО Хоразм «Лазги» рақсини Ўзбекистон маданий ёдгорлигининг бир қисми сифатида Инсониятнинг номоддий маданият мероси рўйхатига киритди.

Олтин битиклар

Оламшумул эътироф

«ТАРИХИЙ ШАХСЛАР»НИНГ ҲАҚҚОНИЙ БАҲОСИ

Озарбайжонда 2006 йилдан буён нашр этиб келинаётган «Tarixi Şəxsiyyətlər» («Тарихий шахслар») журнали Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижини яхшилаш билан бирга мамлакат тараққиёти ва равнақига қўшган улкан ҳиссаси учун 2019 йилда Президент Шавкат Мирзиёевни «Йил одами» деб эълон қилди.

2017 йилда таҳририят қарорига кўра, Туркия Республикаси Президенти Режеп Тайёип Эрдўғон бир овоздан «Йил одами» деб эълон қилинган эди. 2018 йилда эса ушбу номинацияга Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин муносиб кўрилган.

ИСЛОҲОТЛАР МЕЪМОРИ

ХХР Ташқи ишлар вазирлигининг Хитой халқаро муаммолар академияси мувофиқлаштируви остида 2019 йилнинг декабрь ойида «Президент Мирзиёев – Ўзбекистондаги ислоҳотлар даврининг меъмори» номли асар кенг жамоатчиликка тақдим этилди.

ЖАҲОН ТАН ОЛАЁТГАН ФЕНОМЕН

名古屋大学
NAGOYA UNIVERSITY

Давлатимиз раҳбарига Нагоя университети фахрий доктори унвони берилди.

ЎЗБЕКИСТОН – ЙИЛ МАМЛАКАТИ

Дунёдаги энг нуфузли нашрлардан бири бўлган Буюк Британиянинг «Экономист» журнали Ўзбекистонни 2019 йилда энг жадал ислоҳотларни амалга оширган давлат – «Йил мамлакати» деб эътироф этди.

ИЛҒОР ИСЛОҲОТЧИ ДАВЛАТ

Жаҳон банкининг 2019 йилдаги «Бизнес юритиш» рейтингида ҳам Ўзбекистон энг илғор ислоҳотчи мамлакатлар қаторидан ўрин олди.

Дунё бизни танимоқда, биз дунёни

КЎҲНА ДИЁР БИЛАН ИСТИҚБОЛЛИ АЛОҚАЛАР

Ҳиндистоннинг Гандинагар шаҳридаги «Маҳатма Мандир» кўргазмалар мажмуасида «Жўшқин Гужарат – 2019» IX халқаро инвестиция саммити бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ГЕРМАНИЯ» ФОРМАТИДА

Бельвю саройида бўлиб ўтган Президент Шавкат Мирзиёев билан Президент Франк-Вальтер Штайнмайернинг учрашувида давлатимиз раҳбари «Марказий Осиё + Германия» форматида мулоқотларни йўлга қўйиш таклифини ўртага ташлади.

МУҲИМ КЕЛИШУВ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи давомида умумий қиймати **10 миллиард** доллардан ортиқ бўлган келишувларга эришилди.

РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан, Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

БАРЧАСИ МУҲИМ

Тошкент шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашув Марказий Осиё мамлакатларининг хавфсизлик, савдо, транспорт, маданий мерос, таълим ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларини ўз ичига олган барча муҳим жабҳалардаги ўзаро алоқаларини қамраб олди.

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент шаҳрида Марказий Осиё мамлакатларида иқлим ўзгариши масалаларига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРИБ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикаси Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев билан 2017 йилда олий даражадаги мулоқотларида эришилган келишувга кўра, 2018 йилда Қозоғистонда Ўзбекистон йили ва 2019 йилда Ўзбекистонда Қозоғистон йили ўтказилди.

МУҲИМ КЕЛИШУВ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган араб амирликларига расмий ташрифи давомида умумий қиймати **10 миллиард** доллардан ортиқ бўлган келишувларга эришилди.

БМТ ШАФЕЛИГИДА

Нукус шаҳрида БМТ шафелигида «Оролбўйи – экологик инновациялар ва технологиялар зонаси» мавзуида ўтказилган халқаро анжуманда Президентнинг учта ташаббуси: Оролбўйида экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудини ташкил этиш концепцияси лойиҳаси, Оролбўйи минтақасини «Экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди» деб эълон қилиш тўғрисидаги БМТ Бош ассамблеясининг махсус резолюцияси, Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича минтақавий дастур тақдимоти ва муҳокамаси ўтказилди.

ИШОНЧГА ЙЎҒРИЛГАН ДЎСТЛИК

Президент Шавкат Мирзиёев Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг бешинчи саммитида нутқ сўзлади ҳамда иштирокчи мамлакатларнинг тинчликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни рағбатлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилган қатор муҳим ташаббусларни баён этди.

КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан пойтахтимизда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.

БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ

Хитойнинг Пекин шаҳридаги Халқаро форумлар мажмуасида **«Бир макон, бир йўл»** иккинчи халқаро форуми бўлиб ўтди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК ЗАРУРАТИ

Бишкек шаҳрида ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгаши саммити доирасида Президентимиз «ШҲТ – Афғонистон» мулоқот гуруҳининг «Йўл харитаси» қабул қилиниши, мазкур мамлакатнинг минтақавий ҳамкорликка фаол жалб этилиши муҳимлигини қайд этди.

ОСИЁ ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Ўзбекистонда илк бор «Валдай» халқаро мунозара клубининг X Осиё конференцияси бўлиб ўтди.

БЕШ БАРМОҚ БИРЛАШДИ

Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг еттинчи саммитида Ўзбекистон илк бор тўла ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этди.

Сирдарё вилояти

Бунёдкорлик

Сирдарёда янги санаторий

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барпо этилган «Янгиер» санаторийсининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувоҳидов, Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шодмонов, Сирдарё вилояти ҳокими Ғофур Мирзаев, «Нуроний» жамғармаси Республика бошқаруви раиси Шуҳрат Жалилов, шунингдек, ҳамкор ташкилот ва идоралар вакиллари, касаба уюшма фаоллари иштирок этди.

– Бугун Ўзбекистонда санаторийлар сони йилдан-йилга ортиб, уларда хизмат кўрсатиш сифати ҳам ошиб бормоқда, – деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов. – Шу нуқтаи назардан ушбу санаторийнинг лойиҳалаштиришдан тортиб, қурилиш ва керакли тиббий жиҳозлар билан таъминлашгача бўлган барча талабларга тўлиқ жавоб берадиган намунавий объект бўлишига эътибор қаратилди. Шубҳа йўқки, бу сирдарёлик ватандошларимизга катта хурсандчилик олиб келди. Сирдарё аҳли Президентимизнинг Янги йил совғасини қабул қилиб олмоқда десак, муболаға бўлмайди.

Санаторийни қуриш ва уни энг замонавий тиббий диагностика жиҳозлари билан таъминлашга Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳисобидан 84 миллиард сўм маблағ сарфланди. Сиҳатгоҳ фойдаланишга топширилиши билан 80 та янги иш ўрни яратилди. Тез фурсатда муассасада 110 нафар ишчи-ходим иш бошлайди.

Таъкидланишича, бу ерда бир вақтнинг ўзида 250 киши дам олиб ўз саломатлигини тиклаши мумкин. «Янгиер» санаторийси жойлашиш ҳудуди, табиати, минералларга бой шифобахш суви боис, кардиологик, неврологик, гинекологик, урологик, ҳаракат-таянч касалликларини даволаш учун ихтисослаштирилган. Жумладан, бу ерда юрак-қон томир, марказий ва периферик асаб тизими, тери касалликлари, церебрал атеросклероз, таянч-ҳаракат тизимининг яллиғланиши ва жароҳатдан кейинги оқибатлар, рейно хасталиги, аёллар бепуштлигининг эндокрин шакллари, экзоген-конституцион семириш каби касалликларни самарали даволаш мумкин.

Мухтасар айтганда, янги сиҳатгоҳнинг ишга тушиши нафақат сирдарёликлар, балки мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан ташриф буюрувчилар учун ҳам катта имкониятдир. Чунки эндиликда бу масканда йил давомида 4,5 минг нафардан ортиқ киши саломатлигини тиклаб, кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаради.

Аъзам АБУЛФАЙЗОВ,
«ISHONCH»

Брифинг

Ўтган йилнинг 6 декабрида қабул қилинган «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонунда қонунийлик, ихтиёрийлик, камситишга йўл қўймаслик, мустақиллик, ўзини ўзи бошқариш, тенг ҳуқуқлилик, ошкоралик ва очиқлик каби касаба уюшмалари фаолиятининг асосий принциплари ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ушбу янги қонун мазмун-моҳиятига бағишлаб ўтказилган брифингда ана шу каби жиҳатлар алоҳида эътироф этилди.

Кенгайган ҳуқуқлар кафолати

Касаба уюшмалари Федерацияси, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари, ҳамкор вазирликлар мутасаддилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирда таъкидланганидек, мазкур қонун фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини амалга ошириш, касаба уюшмаларини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

– Ушбу қонунни ишлаб чиқишда халқаро ҳуқуқий нормалар, хусусан, Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенциялари, МДҲ мамлакатлари, Финляндия, Швеция, Дания, Нидерландия, Буюк Британия, Испания, Португалия, Германия ва бошқа ривожланган давлатлар тажрибаси, миллий амалиёт ва қонунчилигимиз хусусиятлари инобатга олинди. Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенцияларига мос равишда касаба уюшмаларининг ҳуқуқ ва ваколатлари ҳамда касаба уюшмасига бирлашиш имкониятлари кенгайтирилди, – деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев. – Янги қонунга касаба уюшмалари органларини давлат рўйхатидан ўтказишни соддалаштириш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилишда асосий институтлардан бири бўлган касаба уюшмаларининг меҳнат инспекцияларини қайта тиклаш, меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартибга солувчи нормаларни қонуний мустаҳкамлаш каби меъёрлар киритилди.

Таъкидлаш зарурки, янги қонунда ходимларнинг касаба уюшмасига бирлашиш ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқ даражасида кенгайтирилиб, халқаро ҳуқуқ тамойилларига мос равишда Ўзбекистон фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл фуқароларининг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи кўзда тутилган. Бундан ташқари, касаба уюшмалари нафақат корхона, ташкилотларда, балки барча иш ўринларида тузилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Бу билан Халқаро меҳнат ташкилотининг «Бирлашиш эркинлиги ва бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 87-конвенциясининг нормаси имплементация қилиниб, нафақат битта, балки бир неча ташкилотда ишлаётган ходимларга ҳам ўзаро бирлашган ҳолда касаба уюшмасини тузиш имкони берилди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг 98-конвенциясига мувофиқ, иш берувчилар касаба уюшмаси таъсисчиси ва сайлаб қўйиладиган органи аъзоси бўла олмайди. Қолаверса, касаба уюшмаларига иш берувчилар ташкилотлари ва сиёсий партияларга молиявий кўмак бериш тақиқланади. Ушбу меъёр касаба уюшмалари мустақиллигини таъминлаш мақсадини кўзда тутган бўлиб, янги қонунда мазкур жиҳатлар ҳам эътиборга олинган. Бу касаба уюшмалари ва иш берувчилар ташкилотларининг бир-биридан мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Янги қонун билан касаба уюшмаларига ходимларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва иш берувчилар томонидан меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган меҳнат инспекцияларини тузиш ҳуқуқи берилди. Шу билан бирга, касаба уюшмалари иш берувчига қонунбузилишига йўл қўйган шахсларни интизомий жазога тортиш талабини қўйишлари мумкин.

Брифингда янги қонун билан касаба уюшмаларининг мустақиллиги янада кафолатлангани қайд этилди. Хусусан, касаба уюшмалари ўз фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари олдида ҳисобдор бўлмай, улар томонидан назорат қилинмаслиги, шунингдек, иш берувчининг касаба уюшмалари фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги мажбуриятлари белгиланган муҳим кафолат сифатида баҳоланди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«ISHONCH»

«Ishonch» кўзгусида

Қашқадарё вилояти

ЕТТИДАН ЕТМИШГАЧА

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Деҳқонобод тумани кенгаши волейбол турнири ўтказди. Унда 60 га яқин таълим муассасасидан 400 нафардан ортиқ педагог-ходим иштирок этди. Эркаклар ўртасида 7-умумтаълим мактаби жамоаси, аёллар ўртасида эса 70-мактабнинг ҳаваскор волейболчилари мусобақа ғолиби бўлди.

Шунингдек, иккинчи ва учинчи ўринни олган жамоалар ҳамда турли номинацияларда энг яхши деб топилган спортчилар ҳам муносиб тақдирланди.

Бахтиёр ЮСУПОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Деҳқонобод тумани кенгаши раиси

***

ЧИРОҚЧИ «ЧИРОҚЧИ»ЛАРИ УЧУН ЯНГИ БИНО

Чироқчи тумани электр таъминоти корхонасининг икки қаватли замонавий биноси янгидан қуриб, фойдаланишга топширилди. Мазкур бино шинамлиги билан бир қаторда замонавий услубда жиҳозланган бўлиб, истеъмолчилар ва ходимлар учун турли қулайликларни ўзида мужассам этган.

Баҳодир ТОШПЎЛАТОВ,
«Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари» АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси

***

САФИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғузор тумани кенгашининг саъй-ҳаракатлари натижасида 2019 йилда 15 та нодавлат мактабгача таълим муассасасида касаба уюшма ташкилоти тузилди. Уларда меҳнат қилаётган 48 нафар ишчи-ходим касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

Жумладан, Янгиобод қишлоғида иш бошлаган давлат шерикчилигидаги нодавлат мактабгача таълим муассасасида жамоа йиғилиши ўтказилиб, касаба уюшма ташкилоти тузилди ва бошланғич ташкилот етакчиси сайланди.

Энди ходим ва иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатларида қонунларга риоя этилишини таъминлаш, фаолиятни устав талаблари ва меъёрий ҳужжатлар асосида тўғри ташкил этишда амалий ишлар қилинади.

Эшпарда НИЁЗОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғузор тумани кенгаши раиси

Навоий вилояти

Давра суҳбати

Қонун моҳияти муҳокама қилинди

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Нурота тумани кенгаши бошланғич касаба уюшма ташкилотлар раислари иштирокида «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда қонуннинг давр талабидан келиб чиққан ҳолда касаба уюшмаларининг кенг қўламдаги фаолияти, бурчлари, ваколат ва имтиёзлари учун ҳуқуқий асосга айлантирилгани, хусусан, фаолият принциплари, жамоатчилик назоратини амалга ошириш, меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликка оид жиҳатлар тўлиқ қамраб олингани келгусида бошланғич касаба уюшма раисларига иш жараёнида қўл келиши алоҳида таъкидланди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар жамоатчилик назорати объекти, мурожаатлар ва сўровлар, жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик мониторинги тўғрисидаги моддалар, касаба уюшмалари органларига сайланган ходимлар учун меҳнатга оид қўшимча кафолатлар, иш берувчининг касаба уюшма фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратишга доир мажбуриятлари, бандликка кўмаклашиш, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасига доир қонунчиликнинг такомиллашгани нафақат тизимда фаолият кўрсатаётган, балки мамлакатимиздаги барча ишчи-ходимлар учун дастурламал бўлиб хизмат қилишини эътироф этишди.

Қаҳҳор РАҲМОНОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Нурота тумани кенгаши раиси

Тошкент вилояти

Ҳаётбахш ислоҳотлар самараси

Президентимиз 2019 йил 1-3 июнь кунлари Тошкент вилоятига ташрифидан сўнг кўплаб соҳалар қатори ижтимоий ва коммунал соҳаларда ҳам янги босқичга қадам қўйилди.

Одамлар розилиги учун залворли одимлар

Хусусан, 440 километр ичимлик суви тармоқлари ва 301 та сув иншоотида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди ва бу ишлар ўзининг ижобий самарасини бера бошлади. Вилоят миришкорлари ғалла, пахта ва пилладан юқори ҳосил олишга эришди. Айниқса, давлатга пахта топшириш режаси ортиғи билан бажарилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундай юқори натижа қарийб 13 йилдан буён қайд этилмаётган эди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан вилоятда 6 та агрокластер ташкил этилди. Янги технологиялар асосида 54 минг гектар ерда ғўза парваришланди. Бу вилоятнинг жонкуяр, содда ва танти аҳолиси ҳалол меҳнати туфайлидир.

Вилоятимизда соғлиқни сақлаш соҳасига оид кўплаб ишлар бажарилди. Янгийўл туманида 30 йилдан буён таъмирланмаган қишлоқ оилавий поликлиникалари қайта реконструкция қилинди. Қувонарлиси, ушбу тумандаги 8 та оилавий поликлиникада қайта таъмирлаш ва қурилиш ишлари натижасида 200 мингдан ортиқ аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имкони яратилмоқда. Шунингдек, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Оққўрғон туманидаги «Ҳамзаобод» ҳамда Янгийўл туманидаги «Умид» маҳаллалари аҳолисининг ҳам орзуси тоза ичимлик суви эди. Бугун улар ҳам ниятига эришяпти. Мазкур ҳудудларга обиҳаётнинг етиб боргани уларнинг давлатдан, раҳбарлардан рози бўлиб яшашига туртки бўлмоқда.

Тадбиркорликни ривожлантириш концепциясига биноан бир йил давомида вилоятда тадбиркорлик субъектларининг сони 36 минг 808 тага етди. Шундан 21 минг 232 нафари – якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти. Бу борада Тошкент вилояти бошқа вилоятлар орасида етакчилик қилмоқда.

Шу ўринда экспорт борасидаги ишларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. 2019 йилда 57 та давлатга маҳсулот экспорт қилинди. Шундан олтитаси – Замбия, Канада, Сурия, Таиланд, Япония, БААлар янги бозорлар ҳисобланади. 2018 йилда 66 гуруҳга мансуб 531 турдаги маҳсулотлар экспорт қилинган бўлса, 2019 йилда ушбу кўрсаткич 70 гуруҳдаги 498 турдаги маҳсулотга етди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган «Ҳар бир оила – тадбиркор» Давлат дастурига кўра, 2019 йилнинг январь-октябрь ойларида аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида вилоятдаги 15,5 минг нафар фуқарога 411 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

«Бешта муҳим ташаббус», «Ёшлар – келажагимиз» давлат дастури доирасида амалга оширилган ишларга қисқача тўхталадиган бўлсак, биргина Янгийўл туманининг ўзида 750 ўринли Маданият ва аҳоли дам олиш маркази ва «Ёшлар маркази» қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Айнан бешта муҳим ташаббусда илгари сурилган асосий йўналишга биноан, тумандаги мактабларга мусиқа асбоб-ускуналари, спорт жиҳозлари ҳамда бадиий адабиётлар тўпламлари тарқатилди. Шунингдек, туманнинг «Гулистон» МФЙ ҳудудидаги 600 ўринли «Баркамол авлод» болалар маркази ҳам маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қайта таъмирланмоқда. Амалиётга татбиқ этилган «Бешта муҳим ташаббус», «Ёшлар – келажагимиз» Давлат дастури доирасида вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ишлар қизғин кетмоқда.

Албатта, иш бор жойда хато ва камчиликлар ҳам бўлиши табиий. Шундай яхши натижаларга эришсак-да, йўл қўйган камчиликларимиз хотиржам бўлишимизга йўл бермайди. Шундай экан, бу йўлда барчамиз – кекса-ю ёш бирлашмоғимиз лозим. Зеро, вилоятимиз том маънода республикамизнинг энг бой ва ривожланган ҳудуди, дея эътироф этилишига барчамиз масъулмиз. Демак, ҳали олдинда қиладиган ишларимиз жуда кўп.

Ўткирбек РАШИДОВ,
Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари

Тошкент шаҳри

Меҳнат муҳофазаси

Алоҳида масъулият юклайди

Тошкент шаҳридаги «Ҳудудгаз» масъулияти чекланган жамиятида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш борасида ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорликда семинар-тренинг ўтказилди.

Унда Яккасарой ва Яшнобод туманларидаги 120 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассасаларнинг касаба уюшмалари қўмита раислари иштирок этди.

Семинарда соҳада рўй берган ўзгариш ва янгиликлар, қабул қилинаётган фармон ва қарорлар, меъёрий ҳужжатлар борасида батафсил маълумот берилди.

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Сайфулла Аҳмедов сўнгги уч йиллик мамлакатимизда том маънода қурилишлар даври бўлгани, бунёдкорлик ишлари тобора равнақ топаётгани, бу, ўз навбатида, меҳнатни муҳофаза қилувчи органларга жуда катта масъулият юклаётганини алоҳида таъкидлади.

– «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 31-моддасига мувофиқ, касаба уюшмалари, бошқа вакиллик органларининг меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги ҳуқуқлари алоҳида белгилаб қўйилган, – дейди Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш» бўлими мудири Равшан Маҳмадалиев. – Афсуски, баъзи ҳолларда мазкур талаблар амалиётда ўз ифодасини топмаётир. Албатта, бундай семинар-тренинглар айрим корхона ва ташкилотларнинг меҳнат шартномасида белгиланган талабларни бажармаслиги оқибатида иш берувчи ва ходим ўртасида келиб чиқадиган тушунмовчиликларнинг олдини олишга, айниқса, ишчи-ходимлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши англашига хизмат қилади.

Тадбирда меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва ходимлар саломатлиги ҳамда бошқа турли зарарлардан сақланишни текшириш ва ҳисобга олиш масалалари кенг муҳокама қилинди. Хусусан, мутасаддилар иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тартиб ва талаблари борасидаги саволларга атрофлича жавоб бердилар.

Мухтасар айтганда, ушбу тадбирлар нафақат соҳа эгалари, балки барча фаолларни меҳнат вазифаларига масъулият билан ёндашишга ундаб, жойларда профилактика ишларини амалга ошириш юзасидан жамоатчилик назоратини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»

Ўзгараётган «ЎЗБЕККИНО»

«Ўзбеккино» Миллий агентлигида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан агентликка тақдим этилган 77 та ретро авто ва мототранспорт кўргазмаси ташкил қилинди.

Агентлик қошида очилган «Кино санъати» музейи ҳамда Ёш киноижодкорлар кинолабораторияси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Таъкидлаш жоизки, 2019 йил «Ўзбеккино» Миллий агентлиги учун янгиликларга бой бўлди. Президентимиз ташаббуси ҳамда Алишер Усмонов ҳомийлигида «Ўткан кунлар» фильмининг қисқартирилмаган асл нусхаси юртимизга қайтарилди. Байрам кунлари арафасида 10 та телеканал орқали 1969 йилда суратга олинган ушбу фильм намойиш этилди.

Кино саноатининг ривожи бевосита кадрлар масаласига бориб тақалади. Шу боис, бундан буён мутахассислар хориждаги йирик киностудиялар, таълим даргоҳларига ўқиш ва малака ошириш учун юборилади. Янги ташкил этилган «Эл-юрт умиди» жамғармаси билан ҳамкорликда Бутунроссия давлат кинематография институти ва кинематография соҳасидаги халқаро таълим муассасаларига 10, «Мосфильм» киноконцернига 20 нафар ходим ва мутахассисларни юбориш кўзда тутилган. Кино арбобларимизни хурсанд қиладиган яна бир хушхабар шуки, тез орада «Киночилар уйи» янгидан ташкил этилади.

Агентлик ҳузуридаги Ёшлар ижодий-тажриба студияси ҳам ўзига хос мактаб бўлиб, ёш киноижодкорларнинг шаклланишида муҳим ўринга эга эди. Лекин ушбу студияда ёшларга билим бериш, тажриба ўргатиш учун шароитлар йўқ эди. Шуни ҳисобга олган ҳолда, унинг ўрнига Агентлик қошида «Ёшлар кинолабораторияси» ташкил этилди. Зарур кино қурилмалар ва техник воситалар билан жиҳозланган лаборатория келгусида янада кенгайтирилади. Унда замонамиз қаҳрамонлари акс этган қисқа метражли ва бадиий фильмлар, сериаллар суратга олиш ҳамда киножурналлар нашр этиш йўлга қўйилади.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги жорий йилда ёш киноижодкорларни жалб этган ҳолда 3 та миллий сериал, 2 та тўлиқ метражли бадиий фильм, «Зумраша» болалар ҳажвий киножурналини суратга олишни режалаштирган. Бунинг учун Молия вазирлиги давлат бюджетидан 5 миллиард сўм маблағ ажратди. Унинг 1 миллиард сўми кўплаб фестивалларда ғолиб бўлган «Чой» фильми режиссёри Шокир Холиқовга, 500 миллион сўми эса Маҳлиё Асқаралиевага берилди. Улар бу маблағларни фильм суратга олиш учун сарфлашади. Бундан ташқари, қўшимча равишда иқтидорли ёш киноижодкорлар учун 20 миллион сўмлик 10 та грант эълон қилинди.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ,
«ISHONCH»

«Ishonch»га жавоб берадилар

Муаммо бартараф этилди

«Ishonch» газетасининг 2019 йил 12 декабрдаги сонида чоп этилган «Стадионми?.. яйлов...» сарлавҳали мақолага Фарғона вилояти ҳокимлиги қуйидагича муносабат билдирди:

СТАДИОНМИ?.. ЯЙЛОВ...

Спорт майдонлари нега қаровсиз қолмоқда?

Риштон туманида Қўқон давлат педагогика институтининг ажойиб футбол стадиони бор. Аммо узоқдан биноийдек кўринган стадионга яқин бориб, дилингиз хира тортади. Қаровсиз қолган майдон ажрими шу қадар ўсганки, бу ерда на копток тепиб бўлади, на югуриб...

Икки четдаги волейбол ва баскетбол майдонидан ҳам охирги марта қачон фойдаланилганини ҳеч ким эслай олмаса керак. Узунликка сакрашга мўлжалланган максус жой эса аллақачонлар унутиб юборилгандек гўё...

Худди шундай манзаридан илгари қурилайтган беш муҳим ташаббуснинг бири айнан ёшларни спортга кенг жалб қилиш, жисмоний чиниқтириш, улар бор қобилиятларини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишдир. Шу мақсадда юртимизнинг турли гўшаларида ўйингоҳлар, майдонлар [illegible]

Риштон туманидаги Қўқон давлат педагогика институтига қарашли стадиондаги футбол, волейбол ва баскетбол майдонларининг аҳволини ўрганиш юзасидан туман ҳокимлиги, жисмоний тарбия ва спорт бўлимининг ишчи гуруҳи ташкил этилди. Масала жойига бориб ўрганилди ва мақолада тилга олинган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Шунингдек, вилоятнинг Данғара туманидаги собиқ Саноат касб-ҳунар коллежи стадионида ҳам ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Югуриш йўлаги тозаланиб, шу ҳудуд атрофида жойлашган маҳалла болаларининг спорт машғулотлари билан шуғулланишига қулай имкониятлар яратиб берилди.

Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари **М.ОБИДОВ**

Жаҳон кулади

Янги йил ҳандалари

Янги йилни кутиб олиш маслаҳати.

Раҳбар:

– Жамоамизда шундоқ ҳам одам кўп. Янги йил базмига меҳмон айтишга имкониятимиз йўқ. Тадбиримизни уларсиз ўтказиб бўлмайдиган одамларнигина таклиф этайлик.

Касаба уюшмаси раиси:

– Мен ҳам шу фикрдаман, жаноб бошлиқ. Рўйхат тайёр.

– Қани, ўқи-чи.

– Марҳамат: жамоат тартибини сақлаш бошқармасидан – 4 киши, «Тез ёрдам» станциясидан – 4 киши, травматология бўлимидан – 2 киши, «Дори-дармон» уюшмасидан – 2 киши.

***

– Йигитча, биз сиз билан келишган эдик – қизим билан учрашиб бўлгач, роппа-роса соат ўн иккида уни уйимизга олиб келишга рози бўлгандингиз. Бу нимаси, ҳозир соат эрталабки 6 бўлди, иккинчидан, етаклаб-судраб хонага олиб кирганингиз мутлақо бошқа қиз-ку?

***

– Менга қара, дўстим, нега сен ароқ ичаётганингда нуқул кўзингни юмиб оласан?

– Бундан кейин ароқ тўла стаканни елкамнинг чуқури кўрсин, деб хотинимга ваъда берганман-да.

***

– Алло, бу суғурта компаниясими?

– Ҳа, шундай. Хўш, хизмат?

– Уйимизни телефон орқали суғурта қилишимиз мумкинми?

– Афсуски, бунинг иложи йўқ. Манзилингизни айтсангиз, ходимимиз ҳозирнинг ўзида бориб, керакли ҳужжатларни расмийлаштиради.

– Маъқул, аммо илтимос, тезроқ келсин, полга тўшалган гиламнинг ярми куйиб бўлди, ҳадемай уйнинг ичи ҳам ёна бошлайди...

***

Икки ҳамкасб актёр Қорбобо бўлиб, хонадонларда болаларни табриклаб, пул ишлашаётган экан. Улардан бири иккинчисига:

– Бизнинг маҳаллага келиб қолдик. Уйимга кириб, болаларимни табриклаб чиқ, илтимос, – деди.

– Нега энди мен киришим керак, ўзинг кирақол, – эътироз билдирди дўсти.

– Ўзим кирсам ҳам бўлади-ю, аммо қанча тўлашларини биламан-да, менга сира тўғри келмайди, – деди биринчи Қорбобо.

***

Париж. Чиройли кийинган аёл полиция маҳкамасига «Муаммо, муаммо», дея шошилиб кириб келди-да, шикоят қилди:

– Жаноб комиссар, менга ёрдам бермасангиз бўлмайди.

– Нима муаммо? – сўради комиссар.

– Ҳув кўчанинг нариги ёғидаги эркакни кўряпсизми? Ўша эркак, мана, бир соатдирки, менга...

– Вой ярамас-ей, сизга тегажоғлик қилдими?

– Йўқ, жаноб комиссар, муаммо шундаки, у менга мутлақо эътибор бермаяпти, – жавоб берди аёл чуқур хўрсиниб.

***

– Кеча сизлардан сотиб олган ботинкамнинг аҳволини кўринг: бир кунда чок-чокидан сўкилиб кетди, ярамаслар, бизни лақиллатишмоқчи, шекилли. Ҳозироқ бошқасига алмаштириб беринг ёки пулимни қайтаринг, – деди мижоз жаҳл билан. Магазин мудири унга ҳеч нима демай, ўзича минғирлади:

– Одамларга ҳам ҳайронсан, биттасига чидашмайди-я. Бундай туфлидан омборда минг жуфти ётибди...

***

Янги йил кириб келганидан сўнг, кўчада чайқалиб келаётган бир йигит полициячини тўхтатиб, ундан сўради:

– Марҳамат қилиб тушунтириб берсангиз, Садовая кўчаси, 26-уйга қандай боришим мумкин?

– Тўғрига қараб юраверинг, – деди полициячи.

– Тўғри юролганимда сиздан сўраб ўтирармидим, – деб тўнғиллади йигит.

Тўпловчи:
М. АҲМЕДОВ

Болалик бекати

Сергели туманидаги 277-мактаб 4 «б»-синфида ёзувчи Оллоёр Бегалиевнинг «Рангин қорлар» эртаги асосида очиқ дарс ўтказилди. У ўқувчи болаларнинг қиш фасли ҳақидаги тушунчаларини бойитиб, уларни матн устида ишлашга ўргатиш баробарида ёзувчининг қишнинг хусусиятларини тасвирлашдаги маҳоратини очиб беришга хизмат қилди.

«РАНГИН ҚОРЛАР»

ёхуд янги методологик дарслар

«Рангин қорлар» эртагида баён қилинишича, қадим замонларда қиш пайтлари ранг-баранг қорлар ёғар экан... Кейинчалик фақат оқ қорлар ёғадиган бўлибди. Одамлар ҳам оқ қорларга ўрганиб, улар нарсаларни «оппоқ қордай» дея таърифлайдиган бўлишибди.

Айтишларича, қадим замонларда буюк бўёқчи бўлиб, қирқта қирқ қулоқли қозонларда бўёқ пишириб, бозорда харидорини кутиб ўтираркан. Буюк бўёқчининг биринчи харидори доим шошиб юрадиган «Баҳор» бўлибди. У яшил ва яна бошқа турли-туман чиройли рангларни танлаб олибди. Кейин уйқучи «Ёз» мудраган кўйи қолган рангларни олиб кетибди. Қозонда оқ, заъфар ва зарғалдоқ ранглар қолибди. Уларнинг иккитаси «Куз»га насиб қилибди. Қозонларда озгинагина оқ бўёқ қолибди, холос. Бўёқчи энди кетмоқчи бўлганда, бозорга «Қиш» келиб қолибди. Бундан «Қиш»нинг жаҳли чиқибди-ю, лекин қолган биттагина оқ рангни олиб кетишдан бошқа иложи йўқлигини тушунибди. Чунки бўёқчи янги бўёқлар тайёрлагунга қадар минглаб йиллар кутиш керак экан-да. Шундан буён «Қиш» бошқа фасллардан хафа эмиш. Шунинг учун вақти-вақти билан қаҳрини сочар экан.

Ўқувчилар шу эртакни тўрт фаслга хос кийиниб, саҳна кўринишида изоҳлаб беришди.

Ўқувчилар уч гуруҳга бўлиниб, ўзларига сардор сайлашди. «Қорпарча», «Қиш» ва «Қорбобо» деб номланган гуруҳ аъзолари қиш фасли хусусиятларига изоҳ беришди. Шундан сўнг ўқувчилар қиш фаслига тааллуқли топишмоқларга жавоб бериб, бир-биридан қизиқарли шеърлар ўқишди. Бу жараёнда барча ўқувчиларнинг фаол қатнашгани таҳсинга лойиқ. Бу эса дарс методологияси тўғри танланганининг далолатидир.

Наргиза ЗУЛФИҚОРИЕВА,
Сергели туманидаги 277-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Солиқ ислоҳотлари

ХУФЁНА ИҚТИСОДИЁТГА ЗАРБА

ёхуд электрон ҳисобварақ-фактура тизими ҳақида

Товар-моддий бойликлар ва хизматларнинг жамият томонидан назорат қилинмайдиган ҳаракати хуфёна иқтисодиёт деб аталади. У ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва ундан фойдаланишнинг расмий иқтисодиётдан яширин қисми ҳисобланади.

Мамлакат иқтисодиётида хуфёна иқтисодиётнинг салмоғи кўплиги салбий ҳолат. Афсуски, бу иллат Ўзбекистон учун ҳам бегона эмас. Хуфёна иқтисодиётнинг олдини олиш ва унинг улушини камайтириш мақсадида мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт элементлари жорий қилинмоқда. Хусусан, янги йилдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварақ-фактураларни электрон шаклда расмийлаштиради.

Электрон ҳисобварақ-фактура ёрдамида пул маблағларининг айланиши тезлашади, товар етказиб берувчилар ва харидорлар билан иқтисодий муносабатлар яхшиланади. Бу эса солиқлар ҳажмини кўпайтиради ҳамда уларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлайди.

Энг муҳими, электрон ҳисобварақ-фактура тизимида миллий маҳсулотларимизнинг реал ҳажмини тўлиқ аниқлаш мумкин. Бу, ўз навбатида, солиқ идораларида иқтисодий жараёнларни онлайн кузатиш ва таҳлил қилиш, корхоналар ўртасидаги муносабатлар шаффофлигини таъминлаш имконини беради. Натижада хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар тезлашади ва ҳисоботларни шакллантириш жараёнида инсон омили камаяди. Қолаверса, бу тизим ёрдамида ахборотлар ишончли ва хавфсиз серверларда сақланади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳукумат қарори асосида ҳисобварақ-фактураларни электрон шаклда расмийлаштириш тизими тажриба лойиҳаси сифатида қарийб бир йил давомида амалиётга жорий қилинди. Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги «Янги технологиялар» илмий-ахборот маркази ДУК ҳисобварақ-фактуралар электрон ҳужжат айланиши тизимининг оператори сифатида иштирок этди. Лойиҳанинг ижобий натижалари ўтган йилнинг июлидан бошлаб электрон ҳисобварақ – фактуралар билан алмашиш тизимини оммавий тарзда жорий қилишга асос бўлди.

Абдукарим ЭШБОЕВ,
Давлат Солиқ қўмитаси ҳузуридаги «Янги технологиялар» илмий-ахборот маркази етакчи мутахассиси
Муҳаббат ШАРИПОВА,
ТДПУ ўқитувчиси

Зиёратгоҳ таъмирланади

«Ishonch» газетасининг 2019 йил 26 ноябрдаги сонида чоп этилган «Буюк алломанинг мунғайган мақбараси» сарлавҳали мақолага Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти қуйидагича жавоб йўллади:

Буюк алломанинг мунғайган мақбараси

ёхуд давлат муҳофазасидаги зиёратгоҳга қачон эътибор қаратилади?

Фарғона вилояти Риштон тумани «Чиннигорон» МФЙ ҳудудида жойлашган Соҳиб Ҳидоя (Ал-Рашидоний) зиёратгоҳи XX асрда бунёд этилган бўлиб, маданий мерос объекти сифатида давлат муҳофазасига олинган. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги 846-сон қарори билан тасдиқланган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатига киритилган. Мазкур қарорга асосан, 2019 йилнинг 4 октябридан давлат мулки сифатида Фарғона вилояти Маданий мерос бошқармасига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўтказилган. Зиёратгоҳ унгача Ўзбекистон Мусулмонлар идораси Фарғона вилояти вакиллигининг балансида ва фойдаланишида бўлган.

Зиёратгоҳда шу кунга қадар таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилмаган. Ҳозирда зиёратгоҳ деворларининг ички ва ташқи қисм яроқсиз ҳолатда: кошинлари тўкилиб, гумбазида ёриқлар пайдо бўлган.

2020 йилда Республика бюджетидан маблағ ажратиш учун Маданий мерос департаменти мутахассислари томонидан таъмирлаш-тиклаш, реставрация ишларини амалга ошириш лозим бўлган объектлар ўрганилиб, реставрация қилиш лозим бўлган объектлар рўйхати шакллантирилган. Ушбу объектлар рўйхатига Соҳиб Ҳидоя (Ал-Рашидоний) зиёратгоҳи ҳам киритилган.

Бошлиқ ўринбосари **Х.ХОЛМУРОДОВ**

Ён дафтардан

Қизим сенга айтаман...

Тўйдан олдин: «Жуда кеч қолдинг, уйга тезроқ келақол».

Тўйдан кейин: «Жуда кўп ўтириб қолдинг, уйингга тезроқ кетақол».

Ҳақиқат

Ҳақиқат хомхаёлларни пучга чиқаради. Баъзилар шунинг учунгина уни эшитишни хоҳламайдилар.

Масаланинг ечими

Кўпинча, қаралаётган масаланинг кутилаётган ечими оддий бўлади. Одамлар нўноқликлари ёки шахсий манфаатлари туфайли уни мураккаблаштириб юборадилар.

Бўладиган бола ... китобдан

Китоб ўқиш қобилиятини болаликдан шакллантириш керак. Кеч қолинса, ўқиш дегани телефондаги хабарни ҳижжалашга айланиб қолади.

Чора

Ишингиз юришмаётган бўлса, қилмаган ишингизни қилиб кўринг. Масалан, тиришқоқлик билан ишлашни бошлаб юборинг.

«Мунча қиммат?»

Шундай одамлар ҳам борки, бир кунлик тўйга индамасдан миллионлаб пул сарфлайди, бир умрлик ҳамроҳ – китоб сотиб олишга тўғри келганда, «мунча қиммат» дейди.

Сафдаги инсон

Инсонни бизнинг сафимиздан фақат ўлимгина батамом тортиб олади. Қолган ҳолларда уни маҳкам ушлаб қолишимиз мумкин.

Хомтовоқми, ошқовоқми?

Аҳён-аҳёнда шундай «билимдонлар» ҳам учраб турадики, уларнинг каллаларига чертиб, қандай овоз чиқишини билгинг келади.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
профессор

Бухоро вилояти

Юксалиш

Тараққиётнинг нурли довонларида

Бухоро локомотив депоси жамоаси инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этмоқда

Бухоро минтақавий темир йўл узели унитар корхонаси тасарруфидаги Бухоро локомотив депоси жамоаси инновацион ғоялар асосида фан ва техника янгиликларини, илғор тажрибаларни қўллаш, кадрлар малакаси ҳамда масъулиятини ошириш, ходимларга қулай меҳнат шароитларини яратиш, ўз касбининг моҳир усталари, ташаббускорларини рағбатлантириш каби муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратаётгани туфайли кўзланган мақсадларга эришмоқда.

Темир йўл орқали халқ хўжалиги ва тадбиркорлик субъектлари юкларини ҳамда йўловчиларни белгиланган муддатларда ўз манзилларига етказиб келаётган жамоада бугун 755 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Уларнинг ҳар бири – ўз соҳасининг етук мутахассиси. Қувонарлиси, жамоада меҳнат қилаётганларнинг 313 нафари маълум малакага эга, устозларнинг дастлабки синовларидан муваффақиятли ўтган, ғайрат-шижоатли ёшлардир.

Локомотивчилар иш жараёнида 43 та турли русумдаги тепловозлардан фойдаланади. Уларнинг ҳамиша ишга шай ҳолатда бўлиши учун корхонадаги таъмирлаш цехи ишчи-мутахассислари алоҳида матонат кўрсатишади. Кеча-ю кундуз фаолият кўрсатадиган цехда ходимлар учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Таъмирловчиларнинг ювиниши, овқатланиши ва дам олиши учун барча қулайликлар муҳайё.

Депо иқтисод бўлимининг бошлиғи Баҳодир Идиевнинг маълум қилишича, корхонада 2019 йилнинг 11 ойида сифат ва самарадорлик 6,6 фоизга ошган. Шунингдек, йўловчи ташишдаги ижобий ўзгаришларни ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. 2019 йилнинг 11 ойида йўловчи ташиш кўрсаткичи 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 51,3 фоизга юқорилаган.

Яна бир эътиборли кўрсаткич: 2017 йилдан бошлаб Бухоро-Навоий йўналишида халқ хўжалиги юкларини электровозларда ташиш йўлга қўйилди. Ҳар бир поездда юк ташиш ҳажми 1,5 баробарга кўпайди. Локомотивларнинг дизель ёнилғисидан электр токига ўтказилиши билан харажатлар қарийб 10 баравар арзонлашди. Ушбу йўналишда ҳаракатлар кўлами янада кенгаймоқда.

Локомотивчилар жамоаси учун меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, депода алоҳида ўқув хонаси ташкил этилган. Шинам ва ҳар томонлама жиҳозланган хонада соҳага оид кўргазмали воситалар, адабиётлар, йўриқномалар, қўлланмалар мавжуд. Бу ерда амалга ошириладиган тадбирларни меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги учун масъул ходимлар мувофиқлаштириб боради. Барча цехлардаги ходимлар жадвал асосида ўқув машғулотларида иштирок этадилар. Ўқувларни малакали муҳандислар, цех бошлиқлари, машинист-йўриқчилар, тармоқнинг юқори ташкилотлари мутахассислари олиб боришади. Улар ходимларнинг хавфсизлик борасидаги билим даражаси, касб лаёқатини синовдан ўтказишади. Соҳа янгиликларидан хабардор қилишади.

> ***Депо иқтисод бўлимининг бошлиғи Баҳодир Идиевнинг маълум қилишича, корхонада 2019 йилнинг 11 ойида сифат ва самарадорлик 6,6 фоизга ошган. Шунингдек, йўловчи ташишдаги ижобий ўзгаришларни ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. 2019 йилнинг 11 ойида йўловчи ташиш кўрсаткичи 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 51,3 фоизга юқорилаган.***

Ишчи-ходимлар бу ерда белгиланган муддатда шаҳодатдан ўтадилар. Масалан, муҳандис-техник ходимлар ҳар уч йилда, тепловоз машинистлари ва уларнинг ёрдамчилари, чилангарлар бир йилда бир марта ўз касбий билимлари ва тушунчалари бўйича имтиҳондан ўтадилар. Бу эса иш жараёнида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга ёрдам беради.

– Депомизда фойдаланишга топширилган локомотив бригадаларининг дам олиш уйидаги шарт-шароитлар ҳам бизга яхши кайфият бағишлайди, – дейди машинист-йўриқчи Мақсуд Соҳибов. – Ҳар гал йўналишга чиқиш олдидан биз бу ерда кўнгилли дам оламиз, сафарга тайёрланамиз. Бўш вақтимизда газета-журнал ўқиймиз, шахмат-шашка ўйнаймиз. Мен касаба уюшмаси қўмитаси томонидан жамоатчилик асосида спорт йўриқчиси этиб тайинланганман. Ишдан бўш пайтларим жамоамиз ёшларини спорт мусобақаларига тайёрлайман. Бу жиҳатдан ҳам Бухоро минтақавий темир йўл узели корхоналари ўртасида муносиб ўрнимиз бор...

Корхона касаба уюшмаси қўмитаси ходимларнинг чинакам ғамхўри ва ҳимоячисига айланган. Фикримиз исботини ходимларга қулай меҳнат шароитлари яратиш, саломатлигини муҳофаза қилиш, фарзандлари келажаги йўлида ёрдамлашиш каби қатор тадбирлар жараёнида кўриш мумкин. Бухородаги Меҳрибонлик уйида тарбияланиб, касб-ҳунар коллежида маълум мутахассисликка эга бўлган чин етим Бўрон Ҳамроевга маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси оталарча ғамхўрлик кўрсатди. У тепловозларни таъмирлаш цехига чилангарликка ишга қабул қилинди. Кўп ўтмай, унинг никоҳ тўйи ҳам ўтказиб берилди. Ёш оила жамоанинг бундай беғараз ҳимматидан чексиз миннатдор.

Ходимлар учун ташкил этилаётган маданий тадбирлардан ҳам барча мамнун. Жумладан, 26 нафар ходим оиласи билан Тошкентдаги «Ҳожикент» санаторийсига касаба уюшма маблағи ҳисобидан бепул дам олиб келди. Тарихий шаҳарлар – Бухоро ва Шаҳрисабзга саёҳатлар ташкил этилгани кўпчиликка манзур бўлди. Жамоа аъзоларининг 97 нафар фарзанди ёзда болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришган бўлса, яна 100 нафар болага вилоят мусиқали драма театрида Янги йил байрам томошаси ташкил этилди. Шунингдек, Бухоро локомотив депосига қарашли Мароқанд айланма депоси ходимларининг ҳам 50 нафар ўғил-қизлари учун Самарқанд вилояти қўғирчоқ театрига саёҳат ташкил этилгани болажонлар қувончига-қувонч қўшди...

– Бугунги давр талабидан келиб чиқиб, фақат ишлаб чиқаришда белгиланган режа-топшириқларни бажариш билан кифояланиб бўлмайди, – дейди депо бошлиғи Лутфулла Ҳайдаров. – Қулай меҳнат, дам олиш шароитларини янада яхшилаш билан бирга, ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, фарзанд камоли, ҳудуд ободонлиги, ёшларга ғамхўрликни кучайтириш, эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлашимиз лозим. Токи, ходимларимиз яхши кайфият билан ишга келиб, хурсанд ҳолда уйларига қайтсин. Давлатдан, меҳнатидан, яшашидан рози бўлсин.

Иззатулла ҲОЖИЕВ

2020

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Янги – 2020 йил билан бутун юртимиз аҳлини, шу жумладан, эл саломатлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган тиббиёт ходимларини самимий табриклайди. Янги йил ҳаммага сиҳат-саломатлик, омад, баракат, яхшилик ва хурсандчилик келтирсин. Шарафли ва масъулиятли ишларингизда Аллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин!

«Ucell»чи волейболчилар

Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиалида «COSCOM» МЧЖ маъмурияти (Ucell савдо белгиси) ва касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан ходимлар ўртасида волейбол мусобақаси ўтказилди. Турнирда олтита терма жамоа иштирок этди.

– Корхонамизда илк волейбол мусобақаси бундан тўққиз йил олдин ўтказилган эди. Анъаналар қайта тикланаётгани барчани мамнун этди, – дейди корхонанинг ходимларни бошқариш департаменти жараёнлар ва сифат менежменти тизими бўйича бошқарма эксперти Бахтинур Турсунов. – Бундай ўйинлар жамоани бирлаштириб, одамларнинг иштиёқини оширади. Бунинг учун ташкилотчилардан миннатдормиз.

Финалда ғолиб бўлган жамоаларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Раъно МАҲКАМОВА,
«ISHONCH»

Ucell

«COSCOM»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

2020

Янги — 2020 йил билан қутлайди! Ҳамиша оилангизда меҳр-оқибат, бахт-саодат ҳукм сурсин! 2020 йил орзулар ушаладиган йил бўлсин!

«ЎЗБЕКЭНЕРГО» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Азиз юртдошларимизни,
шу жумладан, чароғон ҳаёт ижодкорлари
бўлган энергетикларни Янги –
2020 йил билан чин дилдан қутлайди.
Янги йилда қалбингиздаги эзгу
ниятлар рўёбга чиқсин.
Ҳамиша соғ-саломат бўлинг!

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши

Юртимиз аҳлини
Янги — 2020 йил билан
самимий қутлайди.
Янги йил оилаларимиз учун бахт,
омад, тинчлик, хотиржамлик йили
бўлсин! Ҳосиллар мўл,
эл фаровон бўлсин!

«СИТОРАИ МОҲИ ХОСА» САНАТОРИЙСИ МЧЖ ЖАМОАСИ

Яхши ният, истиқболли режалар ва кўнгилларга зўр қувонч ҳамда шодлик улашиб келган Янги — 2020 йил билан барча юртдошларимизни, хусусан, эл соғлиги йўлида фидойилик кўрсатаётган ҳамкасбларини самимий муборакбод этади!

Янги йилда барча-барчага мустаҳкам соғлик, хуш кайфият, оилавий тотувлик, зафарлар ёр бўлсин! 2020 йил барчамизга қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Пахтачи тумани кенгаши жамоси

БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ЯНГИ – 2020 ЙИЛ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

Байрамингиз қутлуғ бўлсин! Янги йил янги муваффақиятлар йили бўлсин!

Бухоро вилояти

Юртимиз сиҳатгоҳларида

Бетакрор Бухородаги бетакрор маскан

Қорақалпоғистонлик 81 ёшли Қаллибек ота Бухородаги «Ситораи Моҳи Хоса» санаторийсида дам олмоқда. Кечки овқатдан кейин клубда ташкил этилган концертга борди. Кўнгилочар дастурдаги дилрабо қўшиқ, шўх ўйин-кулгилар отага завқ-шавқ бағишлади. Тадбир якунига етгач, дам олиш хонасига йўл олди. Тоза-озода, кенг ва шинам хонадаги оромкурсида роҳатланиб, чой ҳўплаб турганида уяли телефони жиринглаб қолди.

...Ўғли Азамат экан. Саломаликдан сўнг ўғли эртага отасининг дам олиш муддати тугашини эслатди ва Бухорога келиб, олиб қайтишини айтди.

— Э, ўғлим, овора бўлма, — деди отахон. — Ўзим бораман. Соғлигим яхши. Бир неча кун бўлди, ҳассамни ҳам ташлаганман. Энди қўл-оёқларимда оғриқ йўқ. Санаторийнинг ёнгинасида замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган автобекат бор. У ердаги энг сўнгги русумдаги автобуслар билан мамлакатимизнинг исталган ҳудудига бориш мумкин. Мен ҳам шу имкониятлардан фойдаланишга қарор қилдим. Хўп, энди бу ёғини ўзимга қўйиб бер, ўғлим.

Эртаси куни Қалибек ота яхши кайфият билан Қорақалпоғистонга йўл олди. Санаторийда орттирган дўстлари уни ҳурмат-эҳтиром билан кузатиб қўйишди. Отахон равон йўлдан бир маромда ҳаракатланаётган замонавий автобус ойнасидан ён атрофга боқар экан обод хонадонларга, кўркам маданий-маиший объектларга, улкан бунёдкорлик иншоотларига назари тушиб, кўнгли яйраб кетди.

...Салкам 60 йилдирки Шарқ гавҳари саналмиш Бухоронинг бетакрор сўлим гўшасида жойлашган «Ситораи Моҳи Хоса» санаторийси меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришда катта муваффақиятларга эришиб келяпти. Йилнинг 12 ой давомида бу ерда нафақат юртдошларимиз, ҳатто, хорижлик дам олувчилар ҳам мириқиб ҳордиқ чиқаришади, саломатликларини мустаҳкамлашади.

Келинг, ушбу шифобахш масканнинг айрим муҳим жиҳатларига бир оз тўхталиб ўтсак. «Ситораи Моҳи Хоса» санаторийси кўп тармоқли касалликларни даволайдиган бальнеологик курорт ҳисобланади. Йилнинг ёз фаслида иссиқ ва қуруқ иқлимли шароитда буйракнинг гломерулонефрит касаллиги билан оғриган беморлар қабул қилинади. Куз, қиш, баҳор фаслларида эса овқат ҳазм қилиш, таянч-ҳаракат, сийдик йўллари андрологик касалликлари билан оғриганлар даволанади. 400 ўринга мўлжалланган 6 қаватли ётоқ бўлимларида 1 ва 2 кишилик оддий ҳамда люкс хоналар мавжуд. Уларда керакли хўжалик жиҳозлари, алоҳида санузел, гигиеник душ, ванналар ўрнатилган. Телевизор, музлатгич, чойнак-пиёла, юмшоқ ва қаттиқ мебеллар билан таъминланган. Шунингдек, санаторий биносида маиший хизмат уйи, аёллар ва эркаклар сартарошхоналари, савдо шохобчалари, кутубхона, спорт зали, маданият уйида чолғу асбоблари, шахмат-шашка, теннис, бильярд столлари дам олувчилар ихтиёрида.

Масканда дам олувчилар учун барча шароитлар яратилган. Замонавий муолажа ускуналари, ошхонада тайёрланаётган мазали таомлар, шифобахш сув мижозларга мақбул бўлмоқда. Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳрининг тарихий обидаларига улуғ алломалар қадамжоларига зиёрат ва саёҳат эса инсон маънавий оламига улкан куч-қувват бағишлайди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» жамоаси

Барча юртдошларимизни Янги – 2020 йил билан самимий қутлайди!

2019 йил юртимиз аҳли учун барча соҳаларда баракали ва файзли йил бўлди. Жумладан, комбинатимиз ишчилари томонидан 16 тоннадан ортиқ олтин, 154 тоннадан ортиқ кумуш, 148 минг тонна мис, 90 минг тонна рух, 2 миллион тонна цемент ишлаб чиқарилди. Бу 2018 йилги кўрсаткичлардан анча кўп. Жамоамиз Янги йилда ҳам мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ниятидадир. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, муваффақияларимиз давомли бўлсин! Ҳар бир юртдошимиз, ҳар бир оила ва ташкилотнинг 2020 йилда мўлжаллаган орзу ва режалари амалга ошсин!

Янги йилингиз муборак бўлсин!

«Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси ҳамда комбинат касаба уюшма қўмитаси

Барча юртдошларимизни, шу жумладан, тоғ-кон саноатида фаолият юритаётган ҳамкасбларини ЯНГИ – 2020 ЙИЛ билан самимий муборакбод этади.

Ушбу қутлуғ кунларда барча-барчага сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилайди. Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин! Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичига муносиб ҳисса қўшиш барчамизга насиб этсин! Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Акциядорлик тижорат Халқ банки Тошкент шаҳар филиалида «Янгиланаётган Халқ банки: йил сарҳисоби ва истиқболдаги режалар» мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.

Халқ банки:

Йил сарҳисоби ва истиқболдаги режалар

Унда Халқ банки раҳбарияти ва ходимлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманда 2019 йил мобайнида Халқ банки томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан атрофлича маълумот берилди. Банк фаолиятига оид слайд ва видеороликлар намойиш этилди.

Қайд этилдики, 2019 йил давомида Халқ банки устав капитали қўшимча 2 164,2 млрд. сўм (227,9 млн. АҚШ доллари)га ортди. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан Халқ банкининг номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 2 164 172 минг дона оддий акциялари сотиб олинди ва бунинг

натижасида Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг банк устав капиталидаги улуши 38,8 фоиздан 70,1 фоизга кўтарилди.

Матбуот анжуманида Халқ банки аҳолининг эҳтиёж ва талабларидан келиб чиққан ҳолда амалиётга жорий этаётган янги банк хизмат турлари ҳақида маълумот берилди. Қатнашчилар гувоҳлигида «Trade-In» хизматини қандай расмийлаштириш кўрсатиб берилди.

Халқ банки фаолиятини 2019 йил давомида фаол ёритган бир гуруҳ ОАВ вакиллари эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

Тадбир

Кўнгиллар шод бўлди

«NEO STROY INVEST» масъулияти чекланган жамияти Янги йил байрами муносабати билан корхонада меҳнат қилаётган 50 га яқин I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ишчилар ҳамда корхона фаолиятига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ ходимлар учун байрам тадбири ўтказди.

Электр ва қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мазкур корхонада фаолият олиб бораётган 250 нафар ходимдан 50 нафари кўзи ожиз I ва II гуруҳ ногиронидир.

– Бугунги тадбирдан ўзгача руҳландик. Бу бизнинг янада фаол меҳнат қилишимизга туртки беради, – дейди Маъфура Сайдуллаева. – Барчанинг кўнгли тоғ қадар юксалди.

Таниқли санъаткорлар иштирокида, тўкин дастурхон атрофида 360 киши қатнашган тадбир жуда завқли ўтди.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«ISHONCH»

Тошкент вилояти Янгийўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан Янгийўл шаҳар, «Рамадон» маҳалласи, Заготзерно кўчаси 1-уй, 1-хонадон учун Черноволенко Татъяна Александровна номига берилган уйнинг барча кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 27-сонли мактаб томонидан 2014 йилда Махаматов Хусниддин Камолиддин ўғли номига берилган U №6638291 рақамли 9-синфни битирганлик тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

***

Аллабергенова Шарипа Муминовнага тегишли, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 13-мавзе, 63-уй, 63-хонадоннинг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси «Алгоритм» АЖга қарашли «Семурғ» санаторийсининг собиқ бош шифокори **Евгения НОРҚУЛОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси

Барча юртдошларимизни
Янги – 2020 йил
билан муборакбод этади!
2020 йил қут-баракали,
файзли йил бўлсин!

Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири

ЯНГИ ЙИЛ КЕЧАСИ

Кўнгил маъюс тортди йилнинг сўнгида,
Билмам, ниманг билан сеҳрладинг, қор.
Бугун куппа-кундуз кўзим ўнгида,
Яна бир ёшимни ўғирладинг, қор.
Қирқинчи қасримга ўтайми энди,
Кечаги ёшлигим эртакми энди?..
Баҳорим етгудек қўлим узатсам,
Етолмай дилимни не деб юпатсам.
Лайлакқор, азизим, ғалат байрам бу —
Кулиб кузатсамми, йиғлаб кузатсам...
Дардим жим ичимга ютайми энди,
Кечаги ёшлигим эртакми энди?
Сўрсанг, севинчимдан ўкинчим кўпроқ,
Сендан-да кумушроқ сочимдаги оқ.
Йилим келмай туриб, йилим кетмоқда,
Кўзда табассум-у киприкда титроқ.
Мен ҳам сал шошдим-да, қайтайми энди,
Кечаги ёшлигим эртакми энди?
Янги йил,
Келавер қандай келсанг ҳам,
Кимлар етди сенга, кимлар етмади.
Сен янги йўлдошсан, сен янги ҳамдам,
Йўқлаб келганингни ўзи бир байрам.
Қулоғингга бир гап айтайми, энди,
Кечаги ёшлигим эртакми, энди...

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!

«ОҲАНГАРОНШИФЕР» АЖ касаба уюшма қўмитаси

Барча юртдошларимизни, шу жумладан, соҳа ходимларини Янги – 2020 йил билан чин юракдан табриклайди. Мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ва фаровон ҳаёт ҳеч бир хонадонни тарк этмасин. Янги йил янги қувончлар йили бўлсин! Жаннатмонанд она Ватанимиз гуллаб-яшнайверсин!

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Темур МАМАЖОНОВ,
(Бош муҳаррир ўринбосари- «Ishonch-Доверие» бўйича),
Меҳриддин ШУКУРОВ,
(Масъул котиб - «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб - «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-25
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти — (+998-93) 589-38-34
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррирлар:
А. Абдураҳмонов,
Ж.Наҳанов
Мусаҳҳиҳлар:
С. Шодиева,
Д. Орипов
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

ЎзА якуни – 20:00
Топширилди – 21:20

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 6 босма табоқ. Буюртма Г – 117. 30088 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Эълонлар

«Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Бағдоддонмаҳсулотлари» АЖнинг 25.12.2019 йил кунги №1-5-463-сонли буюртма хатига асосан, жамиятга қарашли Бағдод тумани, «Дўстлик» МФЙ, Дўстлик кўчаси, 2-уйда жойлашган «Дон тайёрлаш пункти» (Фурқат ДККШ) бино-иншоотлари, умумий фойдаланишдаги 1400,00 кв.м. ер майдонида жойлашган, яъни: 0020-литердаги маъмурий бино, 0021-литердаги айвон, 0030 литердаги девор бир қисми, 0031-литердаги девор бир қисми ҳамда 29 (йигирма тўққиз) дона мевали дарахтлар қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 117 586 000 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йилнинг 31 январь куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Буюртмалар расмий иш кунлари соат 9:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик).

Буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2020 йил 29 январь соат 16:00.

Савдога қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси «Best realtor» МЧЖнинг қуйидаги ҳисобрақамига закалат келишув шартномасига асосан ўтказишлари шарт: ҳ/р: 20208000500433601001. МФО: 00445. «Капиталбанк» АТ Тошкент шаҳар филиали, СТИР: 303179580. ОКОНХ:84300.

Савдо ташкилотчисининг ва савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 45-уй, 3-қават. **Телефон:** (99895)402-54-75. www.emulk.uz. best.fergana@mail.ru.

Лицензия RR-0225.

«Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «BAG'DOD PAXTA TOZALASH» АЖнинг 26.12.2019 йил кунги 301-сонли буюртма хатига асосан жамиятга қарашли Олтиариқ тумани, «Ғайрат» МФЙ, Эскиараб кўчаси ҳудудида жойлашган собиқ «Эскиараб» пахта тайёрлов маскани бино ва иншоотларининг бир қисми қўйилмоқда. (0007а литердаги чанг тозалаш биноси, девор бир қисми).

Бошланғич баҳоси – 30 073 000 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йилнинг 3 февраль куни соат 10:00да бўлиб ўтади.

Буюртмалар расмий иш кунлари соат 9:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик).

Буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2020 йил 31 январь, соат 16:00.

Савдога қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси – «Best realtor» МЧЖнинг қуйидаги ҳисобрақамига закалат келишув шартномасига асосан ўтказишлари шарт: ҳ/р: 20208000500433601001. МФО: 00445. «Капиталбанк» АТ Тошкент шаҳар филиали, СТИР: 303179580. ОКОНХ:84300.

Савдо ташкилотчисининг ва савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 45-уй, 3-қават. **Телефон:** (99895)402-54-75. www.emulk.uz. best.fergana@mail.ru.

Лицензия RR-0225.